25 795

Илм – ўзни билмакдир

# МАЪРИФАТ

MARIFAT
معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 19 июль, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
28 (6674)

*Туркистон — умумий уйимиз*

# МОЗИЙГА ТУТАШ ИСТИҚБОЛ

*Тарихий бирлик, муқаддас Туркистон туйғуси миллий анъаналар ва қадриятлар муштараклиги, қондош ва ёндош Марказий Осиё халқлари иқтисодий-ижтимоий маданий ҳамкорлигининг ёрқин истиқболидир. Бинобарин, меҳр-оқибат ва дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик туйғулари ёш авлод қалбида болаликдан шаклланади. Бу муҳим вазифа эса кўпминг сонли педагоглар, хусусан Халқ таълими вазирлиги зиммасига жиддий масъулият юклайди. Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Хайриддин Маъсудов билан суҳбатда бўлдик.*

— Туркистон заминида азалдан қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва ўзбеклар яшаб келаётгани, урф-одатлари бир-бирига ўхшашлиги, яъни бир ота-онанинг фарзандлари эканлигини бугун ҳаммамиз таъкидлаяпмиз, — деб сўзини бошлади Х. Маъсудов. — Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, ҳар бир республика халқ таълими вазирликлари билан боғланиб, фикр алмашиб, ҳамкорликда иш юритяпмиз. Аввало бу ерда МДҲ мамлакатлари халқ таълими вазирликларининг йиғинини ўтказдик. Унда ишчи гуруҳ таълими тизимининг ўхшаш бўлиши, бериладиган ҳужжатларнинг ўзаро тан олиниши ҳақида, дастурлари, ўқув режаларининг ўхшаш бўлиши хусусида кенгашилди, вазирлар шартнома имзолашди.

Бундан ташқари, катта бир қийинчилик бор, у ҳам бўлса, бизда қозоқ, тожик, туркман мактабларини ўз она тилидаги дарсликлари билан таъминлаш, ўқитувчилар учун керакли қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, диафильмлар ва шунга ўхшаш зарурий жиҳозлар етишмаслиги масаласидир. Бу борада ҳам ўзаро келишиб олинди. Мана ҳозир туркман, қозоқ, тожик мактабларини шу республикалар Халқ таълими вазирлиги дарсликлар билан таъминлаяпти. Худди шундай ўзбек тилида ўқийдиган Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, Туркманистоннинг Чоржўй вилояти, Қирғизистоннинг Ўш вилояти, Тожикистоннинг Хўжанд вилоятидаги мактаблари учун ўз тилимиздаги дарслик ва зарурий қўлланмаларни юборяпмиз.

Бундан ташқари, Туркистондаги ҳар бир давлат марказларида ўқитувчиларнинг малакасини оширадиган институтлар бор. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори, психология фанлари доктори Ғайрат Шоумаров Тожикистонга бориб, ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ҳамкорлик қилиш, алоқани яхшилаш, бўйича келишиб келди. Чунки, мустақиллик шароитида дарслик ва қўлланмалар, ўқитув усуллари ўзгарди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, хусусан, уларни янгиликлардан хабардор қилиш яхши самара беради. Яқинда Қозоғистон Халқ таълими вазирлиги билан боғландик, вазир муовини Тошкентга келади. Шунингдек, Тожикистон халқ таълими вазири Мунира Иноятованинг топшириғи бўйича вазир муовини бошчилигида ишчи гуруҳи келади. Унда вазирликлар ўртасида имзоланадиган шартномаларни кўриб чиқамиз, алоқаларни яхшилаш учун яна нима ишлар қилиниши кераклиги тўғрисида батафсил келишиб оламиз.

*— Кечирасиз, яна бир савол. Энди бу ишларнинг, дейлик дарслик масаласи иқтисодга бориб тақалади, яъни маблағ зарур бўлади. Ҳар бир мустақил давлатнинг халқ таълими учун ажратган бюджети, нарх-наво тизими турлича бўлиши мумкин. Бунда ҳеч қандай муаммо чиқмаяптими? Агар бор бўлса, қандай чоралар кўриляпти?*

— Қийинчиликлар, муаммолар бор. Мана, масалан Чимкент вилоятида ўзбеклар унчалик кўп эмас, республикамизда эса 300 мингдан ортиқ қозоқлар бор, яъни Чимкент вилоятида 50-60 та мактаб бўлса, бизда кўпроқ. Улардан керакли китобларни олишга биздан кўпроқ маблағ сарф бўлади. Биз бундай муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, китоб ва қўлланмалар учун маблағ етмай қолган пайтда, биз уларга зарур бўлган маҳсулот юборамиз, яъни ҳозир кўп ишлатиладиган бартер йўли билан маҳсулотга алмашамиз. Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар ҳаммамиз учун ҳам муаммо туғдиряпти, лекин ўртада аҳиллик, дўстлик, биродарлик борлиги учун мавсумий қийинчиликларни бартараф этиш мушкул эмас.

*— Суҳбатингиз учун раҳмат.*

ИЗОҲ:

Бирлигимиз, дўстлигимиз 5-6 ёки 50 йиллар учунгина эмас, абадий бўлмоғи лозим. Бу маорифнинг вазифасидир. Суҳбатдан хулоса эса маорифимизнинг қудрати била фарзандларга мозийнинг ибратли сабоқларини ўқитиб, бир-биримизга меҳр-муҳаббат, ҳамкорлик, дўстлик руҳини сингдиришимиз, бирдамлик сабабини эса тушунтиришимиз лозим бўлади. Бу ғоя борасида Халқ таълими вазирликлари тизимларининг малака ошириш институтлари орқали бир фикрга келиб, маълум дастурлар, йўлланмалар тузиш айни муддао бўларди.

**Ҳалим САИДОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**



## ФАОЛ МУАЛЛИМА

*Роҳатой Мухторова Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Бобожон Бекметов номидаги ўрта мактабда ўқувчиларга немис тили фанидан дарс беради. Ёш муаллима бир неча йилдан буён «Немис тилида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш» муаммоси бўйича изланишлар олиб бормоқда.*

*Ўқувчиларга пухта билим бериш билан бир қаторда уларни ўзбек халқининг миллий маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга интилади.*

*Р. Мухторова мактабдан ва синфдан ташқари ўтказиладиган кўрик танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Хонқа туманида бўлиб ўтган «Эпли келин — сепли келин» танловида қатнашиб, ғолиб бўлди ва ушбу кўрик-танловнинг вилоят турида қатнашишга йўлланма олди.*

*Шу йил туманда бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида ҳам муваффақиятли иштирок этди.*

**Шарофат АВЕЗОВА.**
**Даврон Аҳмад олган сурат.**

*«Маърифат» хабарлари*

## ФАЙЛАСУФЛАР ЖАМИЯТИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси мажлислар залида Сурхондарё фалсафа жамияти бўлимининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Университет бошланғич фалсафа жамияти раиси Хурсан Худойбердиев ҳисоботи тингланди.

Республика фалсафа жамияти президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳаммедов мамлакатимизнинг барча вилоятларида фалсафа жамияти бўлимлари фаолият юритаётганлигини, Сурхондарёда ҳам шу вақтгача бошланғич фалсафа жамияти яхши ишлаганлигини, энди уни бўлимга айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Вилоят бўлими таркибига қўйилган 11 кишининг номзоди бир овоздан маъқулланди. Бўлим бошлиғи этиб Термиз давлат университети профессори Шомат Самадов, ўринбосарлигига университетдан Э. Й. Тўраев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Чориев, котиблигига доцент Н. Бердиевлар сайландилар.

**Н. ТЎРАЕВ.**

## КЎНГИЛЛАР ҚУВОНДИ

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига, кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича ташкил этилган Республика Штаби берган хабар кўнгилларни қувонтиради. Шу кунга қадар Республикамиз бўйича 4762 умумтаълим мактаблари, 1792 болалар боғчалари, 484 мактабдан ташқари муассасалар, 58 мактаб-интернатлар, 143 ҳунар-техника билим юртлари жорий таъмирлашдан чиқарилиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Қамаши туманидаги Йўлдош Шербўтаев номидаги 72-тўлиқсиз ўрта мактабда таътил даври бўлсада, тўгарак аъзолари билан иш олиб бораётган ўқитувчи Садриддин Суюновнинг фаолиятидан хурсанд бўлдик. Фидойи муаллим бундан 4 йил бурун мактаб директори Мойли ака Эштемиров ҳузурига «қўғирчоқлар» тўгарагини ташкил этиш таклифи билан кирди.

«—Дастлаб ажабландим, — дейди М. Эштемиров, — у қанақа тўгарак бўлади?

Садриддин ҳаммасини тушунтирди. Тўгарак дастлаб қизиқувчан ўқувчиларни ўзига жалб этиб, турли-туман қўғирчоқлар ясайди, сўнг худди шу қўғирчоқлар заминида мактабда қўғирчоқ театрини ташкил этади...

Хурсанд бўлдим. Ўқитувчига ярим ставка тўгарак ҳақи ва алоҳида хона ажратиб бердим...»

Дарҳақиқат, Садриддин Суюнов ўз сўзининг устидан чиқди. Мана, икки йилдирки, у мактабда қўғирчоқ театри томошаларини йўлга қўйиб юборди. Айни кунда тўгаракка 45 нафар иқтидорли ўқувчи жалб этилган. Тўгарак аъзолари «Вақт қароқчилари», «Порлайвер, қуёш», «Қуёнвойнинг уйи», «Золушка», «Шолғом» каби асарларни ўз қўғирчоқ театрлари саҳнасида ўйнамоқдалар.

Ўқувчилар таътил пайтларида тумандаги «Ғунча», «Нилуфар», «Чаман» ва «Зилола» каби болалар боғчаларида томоша қўйиб беришмоқда.

## МАКТАБ ҲУЗУРИДА ОРОМГОҲ

Шаҳрисабз шаҳридаги А. Жомий номидаги 11-ўрта мактаб қошида «Парвоз» оромгоҳи ташкил этилиб, унда айни кунда 60 нафар ўқувчи кундуз куни ҳордиқ чиқармоқда.

— Биз бундай оромгоҳларни Шаҳрисабз шаҳридаги 12 та мактаб ёнида ташкил этганмиз, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Омон Тўраев. — Бу оромгоҳларда таътил даврида 800 нафар ўқувчилар ҳордиқ чиқарадилар...

Дарҳақиқат «Парвоз»да ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**А. ОБИДДИНОВ.**

*Янги ўқув йилига тайёрмисиз?*

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига, кузги-қишки мавсумга тайёрлаш қизғин бораяпти. Бу борада Тошкент шаҳри Яккасарой туманида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Бу ҳақда яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган йиғинда ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Сўзга чиққанлар, жумладан Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вазир ўринбосари М. Султонов Яккасарой тумани халқ таълими бўлимининг тажрибасини мамнуният билан қайд этишиб, бундай фаолликни республикада кенг ёйиш зарурлигини таъкидладилар. Хўш, яккасаройликлар қандай иш тутишганди?

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудири Ўткир Мирзажонов умумтаълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини бошлашда даставвал Яккасарой тумани ҳокимлигига мурожаат этди. Бу масала муассасалар раҳбарлари йиғилишида кўриб чиқилиб, ҳокимнинг «Туманда жойлашган корхона ва ташкилотларни халқ таълими бўлими ва соғлиқни сақлаш бўлими муассасаларига оталиқ ёрдами кўрсатиши ҳақида»ги 162-қарори чиқди. Мазкур қарор асосида тумандаги йирик корхона раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлими муассаса раҳбарлари биргаликда ўқув йилига тайёргарлик иш режасини тузиб чиқишди. Шундай қилиб, бир қатор корхоналар ўз ҳудудларидаги мактаб ва боғчалар биноларини таъмирлаш ишларига ёрдам кўрсатиб, қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бердилар. Натижада қисқа фурсатда тумандаги мавжуд 15 та умумтаълим мактабларидан 12 таси тўла таъмирлашдан чиқарилди ва янги ўқув йилига тахтлаб қўйилди.

Тумандаги тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик машинасозлиги корхонаси, «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узсталконструкция», «Отделстрой» каби корхоналар ҳамда ғишт заводидаги «Абдурашид» фирмаси каби йирик оталиқ ташкилотларининг беминнат ёрдами туфайли мактаб ва болалар боғчаларининг поллари бўёқдан чиқди, ойналар созланди, эшик-ромлар қайта таъмирланди.

Ўқувчилар, ота-оналар қўмитаси, ҳомийлар ёрдамида ҳам тумандаги ўқув муассасаларида 1836 та парта, 120 та синф ёзув тахтаси, 1720 та стул, 250 синф хонаси, 6 та спорт зал таъмирланди. Бунга маҳалла жамоалари ҳам яқиндан ёрдам беришди. Яккасарой туман овқатланиш трести мактаблардаги мавжуд ошхоналарни таъмирлаш ишларини зиммасига олди. Таъмирлаш ишларини бажариш учун туман ҳокимияти томонидан қўшимча 175 минг сўм пул маблағи ажратилди.

Ҳа, «Излаган имкон топади, изламаган — баҳона» деб бежиз айтмаган халқимиз.

**Зулфия ДЎСТМУҲАМЕДОВА.**

*Абитуриент-95*

# БУ КУНЛАРНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

**Шу кунларда республикамиздаги қайси олий ўқув юртида бўлсангиз, одатдагидан ўзгачароқ бир гавжумлик, серфайз бир манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бу манзара қандайдир ҳаяжонли, сурурли дақиқалар яқинлигидан дарак беради кишига. Дарҳақиқат, абитуриентлар орзиқиб кутаётган ўша тест синовлари ўтказиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Шу боис мухбиримиз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича ректор муовини, қабул комиссияси раисининг ўринбосари Эгамберди Умирзоқов билан суҳбатда бўлиб, бу йилги тест синовларини ўтказишга тайёргарликнинг бориши билан қизиқди.**

*— Эгамберди ака, мана тўртинчи йилдирки, мазкур педагогика олий ўқув даргоҳида қабул имтиҳонлари тест синовлари орқали ўтказилаётир. Бемалол айтишимиз мумкинки, тест синовлари ҳам йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Бу йилги тест синовларида қандай ўзгаришлар борлигини айта оласизми?*

— Энг аввало шуни таъкидлашни истардимки, тест синовлари ҳаммамиз учун истиқлолнинг эзгу туҳфаси бўлди. Бу усул натижасида омад билимдонларга боқаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтган уч йил мобайнида ўқишга қабул қилинган талабаларимизнинг олдингилардан тубдан фарқи бор, десак муболаға бўлмайди. Тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинган талабаларимиз ўзлари танлаган соҳага чуқур қизиқишлари, фанни пухта билишлари, лаёқатлари билан алоҳида кўзга ташланиб турадилар.

Дарҳақиқат, юқорида айтганингиздек, тест синовлари йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига 1995/96 ва бундан кейинги ўқув йиллари талабаларини қабул қилиш тартиб ва қоидалари тўғрисида Низом»да абитуриентлар учун бир қатор қулай ўзгаришлар қайд этилган. Низомдаги профил (ижодий) имтиҳонлар ўтказиш, табиий фанлар мажмуаси алоҳида-алоҳида бўлганлиги, абитуриентнинг жавоб варақасини қора қалам билан эмас, кўк рангдаги шарикли ручка билан тўлдириши ва бошқа бир қатор қулайликлар юқоридаги фикримизга мисол бўла олади.

*— Профил (ижодий) имтиҳонлари сизларнинг институтда ҳам ўтказиладими?*

— Ҳа, албатта. Бизнинг институтда ҳам бир қатор мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳонлар ўтказиш режалаштирилиб, ректор буйруғи билан институт комиссияси тузилди. Мусиқа, педагогика, ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия, чизмачилик ва тасвирий санъат, рус тили ва адабиёти ва қўшимча корейс тили мутахассисликлари бўйича профил (ижодий) имтиҳонлар ўтказиш учун меъёр (норматив)лар ишлаб чиқилди ва вазирликка тасдиққа берилди.

Бундан ташқари кўп баллик тизим асосида институтимизда қозоқ тилида ҳам икки мутахассислик бўйича, яъни қозоқ тили ва қозоқ тилида математика бўйича ҳам ижодий имтиҳонлар ўтказишга қарор қилинди. Чунки бу фанлар бўйича институтимизда 42 йилдан буён мутахассислар тайёрланиб келинади.

*— Тест синовлари адолатли эканлиги ҳаммамизга яхши маълум. Аммо, шунга қарамасдан баъзан «тестнинг ҳам чорасини топиш мумкин», деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Шу ҳақдаги фикрларингиз?*

— Эзгуликнинг қаноти бўлади, дейишади. Тест синовлари олий ўқув юртлари ҳаётига шунчалик тез кириб келаётирки, баъзи эскича фикрдан қутулолмаганлар тест ҳақида ҳам бўлар-бўлмас гаплар тарқатиб юришибди. Бу ўринда бир мисол келтирамиз. Ўтган йилларида жавоблар қора қалам билан белгиланар эди. Шунинг учун ҳам баъзи бадгумон одамлар «қалам билан белгиланганда керакли одамларнинг жавоб варақаларини ўчириб тўғрилаш учун шундай қилинади», — деб ҳар хил миш-мишлар тарқатиб юришарди. Бу йил эса бундай гап-сўзларга ҳам мутлақо асос қолмайди. Чунки тест жавоб варақалари кўк рангдаги шарикли ручка билан тўлдириладиган бўлди. Комил ишонч билан айта оламизки, талаба бўлиш бахтига фақат билими кучлилар, илм олишга иштиёқи зўрлар муяссар бўладилар.

*— Бу йилги қабулни муваффақиятли ўтказиш учун институтда қандай тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда?*

— Шу кундарда институтимизда абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш ишлари қизғин кетаётир. Ҳар куни мавжуд 19 мутахассислик бўйича 200—250 абитуриентдан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Қабул комиссияси жойлашган бинода абитуриентларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришдан тортиб, уларни қизиқтирган ҳар бир саволгача жавоб топиш мумкин. Эълонлар тахтасидаги кўргазмали ахборот воситалари орқали абитуриентлар ўзларига керакли барча-барча маълумотларга эга бўладилар. Булардан ташқари, барча фанлардан консультациялар уюштирилмоқда. Бошқа вилоятлардан келган, турар-жойга муҳтож бўлган абитуриентларга ётоқхоналардан жой берилмоқда.

**Суҳбатдош Зубайда УСМОНОВА.**

## ҲАР КИМНИНГ ВАЗИФАСИ БОР

Чироқчи туманининг сўлим Лангар қишлоғида жойлашган Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимларига қарашли «Ойбулоқ» болалар ва ўсмирлар оромгоҳида 200 нафарга яқин ўқувчи кўнгилдагидек дам олмоқда.

— Ҳар кимнинг ўзига биркитилган вазифаси бор, — дейди оромгоҳ таъминотчиси Нусратхон Шохўжаев. — Менга таъминот вазифаси юклатилган. Асосий эътиборни болаларнинг тўкис овқатланишига қаратяпман.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

**дейди Тошкент вилояти педагогика билим юрти директори Собир Зиёев.**

*— Собир ака, сиз раҳбарлик қилаётган педагогика билим юрти фаолиятига қисқача тўхталсангиз...*

— Билим юрти қарийб уттиз бир йил давомида Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларнинг кўпгина таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлаб келмоқда. Бу ерда кундузги бўлимда «Мактабгача тарбия», «Бошланғич синфларда ўқитиш», сиртқи бўлимда «Мактабгача тарбия» мутахассисликлари бўйича ўқитиш жорий қилинган. Кундузги бўлимда «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларга тўққизинчи ва ўн биринчи синфни, ўқиш рус, қозоқ тилида олиб бориладиган гуруҳларга эса ўн биринчи синфни тугаллаган ўқувчилар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимнинг «Мактабгача тарбия» мутахассислигининг ўзбек, рус, қозоқ гуруҳларига ўн биринчи синф маълумоти бўлган ва турли таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган ёшлар қабул қилинадилар.

*— Ўзингизга маълумки, ҳозир олий ва ўрта махсус билим юртларига қабул қизгин бормоқда. Сизларнинг педагогика билим юртларингизда ҳам бу йилги қабул тизимида ўзгаришлар борми?*

— 1995—1996 ўқув йилига талабалар қабул қилишдаги янгиликлардан бири, Тошкент вилоятининг кўпгина таълим-тарбия муассасаларида эҳтиёж борлигини ҳисобга олиб, вилоятдаги бир қанча шаҳар ва туман ҳокимликларининг таклифларига кўра билим юртимизда қозоқ гуруҳларининг ташкил этилишидир. Иккинчидан, ушбу гуруҳларда қабул қилиш тартиблари кўп балли баҳо тизими асосида анъанавий имтиҳон олиш усулида бўлади. Ҳужжатлар 20 июлга қадар қабул қилинади.

*— Бўлажак талабаларни билим юртидаги шарт-шароитлар ҳам қизиқтириши табиий. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.*

— Билим юртимизда бўлажак мутахассисларнинг ўқиши учун барча шарт-шароитлар мавжуддир. Жумладан, 2 та замонавий усулдаги, барча қулайликларга эга бўлган 500 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрида. 70 дан ортиқ тажрибали ва малакали муаллимлар ёшларга таълим-тарбия берадилар.

Йил давомида ўқувчиларимизни етук, фидойи, ватанпарвар мутахассислар қилиб етиштириш борасида турли-туман тадбирлар ўтказиб турилади. Хусусан, шу йил май ойида Тошкент саноат техникуми талабалари билан бизнинг педагогика билим юрти талабалари ўртасида қувноқлар ва зукколар кўрик-танлови ўтказилди. Беллашувда билим юртимизнинг биринчи ва иккинчи босқич талабаларидан иборат «Орзу» командаси ғолиб чиқди.

Яна шуни айтиш керакки, билим юрти моддий базасини яхшилаш мақсадида «Фотима» ва «Саида» кичик корхоналари билан шартнома тузилган. Бундан тушган маблағ ҳисобига ўқитувчилар ва ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, кичик корхоналар бизга муассасамиздаги яроқсиз ҳолга келган телевизор, радиоприёмникларни таъмирлашда ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, талабалик йиллари ўғил-қизларимиз учун унутилмас бўлиб қолади.

**Л. БЎРИЕВ.**

ХХI АСР МАКТАБИ

# ИЛМУ ОДОБИ АЗИЗ

**Суҳбатдошимиз Қизилтепа шаҳридаги С. Айний номидаги мактаб директори Фазлиддин Халилов.**

**Ф.Халилов 1953 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини 1974 йилда битирган. Ўша йилдан бошлаб адабиёт фанидан дарс берган. 1989 йилдан буён мактаб директори. Тўрт фарзанднинг отаси. Унинг хусусий мактаб афзалликлари, ўғил-қизларнинг ўқишга муносабати, муаллим обрўси, дастур ва дарсликлар савияси, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш хусусидаги фикр-мулоҳазалари эътиборга молик. Устоз билан мусоҳабамиз ҳам шу каби масалалар хусусида бўлди.**

*— Мактабингизда 2000 нафар ўқувчи таълим олар экан. Бу катта оиланинг қувончу ташвишлари ҳам катта бўлса керак?*

— Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев «Иш билганга эл эргашар» («Маърифат», 1995 йил 7 июнь) мақоласида мактаб обрўси қайси омилларга боғлиқлиги, бунда раҳбар фидойилиги, ишбилармонлиги тўғрисида атрофлича фикр юритган. Албатта, ҳар бир муваффақият заминида чуқур ва сермашаққат меҳнат ётади. Унинг қувончу завқи ҳам бўлади. Болаларнинг илк бор мактабга қадам қўйганидан бошлаб то уни битириб кетгунгача бўлган даврдаги камолотини — ақлининг тўлишиши, дунёқарашининг шаклланиши, одоб олиш, илм ўрганиш бобидаги муваффақиятларини кўриб, кузатиб туриш қувончи, завқи олдида ҳар қандай ташвишлар майда, арзимас туюлади.

Бу даргоҳга ўқитувчи бўлиб келганимга 20 йилдан ошди. Ўшанда мактабда 400 — 500 нафар ўқувчи бўлган бўлса, ҳозир 162 ўқитувчи 2000 га яқин ўғил-қизга таълим бераётир. Собиқ ўқувчиларимизнинг кўпчилиги сафимизга келиб қўшилган, мустақил республикамизнинг равнақи йўлида меҳнат қилаётган олимлар, иқтисодчилар, журналистлар, шоирлар, санъаткорлар ва бошқа касб эгалари орасида шу мактабнинг талабалари ҳам борлиги бизга фақат қувонч бағишлайди.

Ўтган йили 16 нафар ўқувчимиз олий ўқув юртларига кирди, бу йил эса 13 ўқувчимиз вилоят олимпиадасида, икки нафари эса республика олимпиадасида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Ушбу рақамлар ортида ўқитувчиларимизнинг фидойилиги, ўқиш-интилишлари, изланишлари ётганлигини таъкидлаш жоиз. Икки йилдан буён она тили ва адабиёт, рус тили, бошланғич синфлар бўйича ўқитувчиларнинг вилоят семинарлари бизнинг мактабимизда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. 1993 — 94 ўқув йилидан бошлаб гимназия синфлари очдик. Иқтидорли, ўзида алоҳида истеъдод нишоналарини намоён қилган болалар танланиб, ана шу синфларда ўқитилмоқда.

Ташвишлар... Бу ҳам йўқ эмас. Шаҳар аҳолиси кўпаяётгани сабабли ўқувчилар сони йил сайин ўсяпти. Мазкур ўқув йилида 1-синфлар сони ўнтадан ошди. Қўшимча бино қурдик, ўқишни икки сменада ташкил қилганмиз, лекин бу билан муаммо ҳал бўлмаяпти. Яна... компьютерларимизни замонавийлари билан алмаштириш орзусидамиз, ҳозир бу соҳада техника илгарилаб кетган. Баъзан синфларни таъмирлашга қийналамиз. Албатта, бу муаммолар қаршисида ёлғиз эмасмиз — туман халқ таълими бўлими, ишбилармон ҳомийлар қўлларидан келган ёрдамни аяшмайди. Ҳозир шаҳарда яна бир мактаб қурилиши мўлжалланаётгани туман ва шаҳар ҳокимияти ҳам бизнинг муаммоларимиз учун жон куйдираётганидан далолатдир.

*— Ҳозирги иқтисодий шароит ўқувчиларнинг ўқишга муносабатига таъсир қиляптими? Нима деб ўйлайсиз?*

— Таъсир қиляпти, албатта. Бу, аввалambор, ўқувчиларнинг, уларнинг ота-оналари дунёқарашидан,илмга, эртанги кунга муносабатидан келиб чиқяпти. Келажак билимдон, икки-уч тилни билувчи, истеъдодли одамларники эканлигини кўпчилик англаб етган. Улар фарзандларининг ўқишларига жиддийроқ эътибор беришмоқда, олий ўқув юртларига киришни, яхши касб эгаллашни истаган ўқувчилар ҳам билим олишга жиддий муносабатда бўлишяпти. Фақат бугуннинг ташвиши билан яшаётганлар ҳам йўқ эмас, уларнинг кўзига бозор, вақтинчалик олди-сотдилар муҳимроқ кўринади. Ўтаётган ана шу кунларимиз, дақиқаларимизни мен синовли кунлар, азиз дақиқалар деб биламан, чунки ҳозир мактаб парталарида мустақил юртимизнинг эртанги эгалари шаклланмоқда.

*— Болаларнинг савдо билан шуғулланишига қандай қарайсиз?*

— Ўқувчи 11 йил ўқигач, етуклик шаҳодатномаси олади, шундай экан, етуклик том маънода бўлиши керак. Ахлоқ-одобда ҳам, илмда ҳам, майли сиз айтгандай, савдо-сотиққа ҳам ақли етадиган бўлсин. Аммо савдо-сотиқ унинг фикру онгини эгалламаслиги, биринчи ўринга чиқмаслиги, ҳаётининг мазмунини ташкил қилмаслиги лозим. Ҳозир савдо билан шуғулланувчилар жуда кўп, биз истаймизми, йўқми, фарзандлар ота-оналарига ёрдам беради. Менимча, бунинг ўрнига уларга бирор касб-ҳунар ўргатган афзалроқ. Шу мақсадда мактабда ганчкорлик, наққошлик ва бичиш-тикиш тўгараклари ташкил этганмиз. Тўгарак аъзолари ясаган, тиккан буюмлар мактабнинг «Талаба» дўконида савдога чиқарилади, фойдасига яна хомашё олинади. Бу ўқувчиларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлиб боришларига кўмаклашади, деб ўйлайман.

*— Хусусий мактаблар пайдо бўлишига муносабатингиз?*

— Катта-катта мулкдорлар хусусий мактабларга пул харж қилсалар ёмон бўлмас эди. Бу ҳам биз учун батамом янги нарса эмас, асримиз бошларидаги мактабдорлик тажрибаларини эслаш кифоя. Давлат мактаблари билан ёнма-ён фаолият кўрсатадиган хусусий мактабларнинг ўзига хос афзалликлари ҳам, мушкилотлари ҳам бўлади, албатта. Ҳар бир ўқувчининг қизиқадиган фани, соҳасини ҳисобга олиб, у билан алоҳида шуғулланиш имкониятлари пайдо бўлади. Ўқитувчилар ҳам савияси, салоҳиятига қараб танлаб олинади, ўз ўқувчиси билан биргаликда эришаётган натижалари ҳисобга олиниб ҳақ тўланади...

*— Баъзи мактабларда эркак ўқитувчиларнинг даромадли ишларга ўтиб кетишаётгани ҳақида эшитяпмиз. Бир кун келиб ўқитувчилар фақат хотин-қизлардан иборат бўлиб қолиши мумкинми?*

— Бу ҳол даромадли иш ўринлари кўп бўлган катта шаҳарларда у ёки бу даражада юз бериши мумкин. Лекин туман ва қишлоқ мактабларида бундай воқеалар жуда кам. Умуман олганда, мактабларда эркак ўқитувчиларнинг озайиб бориши яхши эмас. Биринчидан, эркак ўқитувчилар ўқув йили давомида дарсларини тўлиқ ўтишади, камдан-кам ҳолатларда касаллик варақаси оладилар, қолаверса, эркак ўқитувчи бўлмаган ёки оз бўлган мактаб отасиз оилага ўхшаб қолади. Мактаб педагогик жамоаларининг тўлиқ хотин-қизлардан иборат бўлиб қолиши ўқувчиларнинг тартиб-интизомига, тарбиясига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

*— Ўқитувчи деган шарафли номни сақлаш фақат муаллимгагина боғлиқми?*

— Албатта, биринчи навбатда ўқитувчига боғлиқ. У ўз билими билан ҳам, ҳаёт тарзи, муомаласи, қолаверса, кийиниши билан ҳам обрў-эътибор, ҳурмат қозониши лозим. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар назарида у мукаммал инсон бўлиши керак. Ҳатто ўз фанини пухта билиб бошқасига эътибор қилмайдиган ўқитувчилар ҳам обрў қозонолмайди. Ўқитувчи ўқувчи назарида ҳамма нарсани биладиган, бутун дунёдан хабардор одам. Агар у ана шу тасаввурни синдириб қўйса, эътибордан қолади. Масалан, сиз қайси фандан дарс ўтманг, болалар хоҳлаган саволини бериши мумкин. «Қор одам ростдан борми?»дан тортиб «Клинтон қандай қилиб президент бўлган?»гача ёки «Намоз ўқимаса, мусулмон ҳисобланмайдими?»дан тортиб «Пеле ҳозир қаерда?»гача. Ҳар бир тўғри жавоб ўқитувчи деган номни юксакка кўтараверади. Тўғри, бунинг учун тинимсиз ўқиш, радио-телевидениени кузатиб бориш, газета-журналлардан бохабар бўлиб туриш зарур, қисқаси, бугунги замон ўқувчиси билан баравар қадам ташлаш керак. Бу қийин, албатта, рўзғор, бола-чақа, иқтисод... Барибир, ўқитувчи деган номни обрўсизлантириш учун булар баҳона бўлолмайди.

Иккинчи навбатда эса бола ўсаётган муҳитга, ота-онасининг дунёқарашига боғлиқ. Ота-она ўқитувчини қай даражада ҳурматласа, эҳтиром қилса, у бола учун табиий равишда қонунга айланади. Агар ота-она боласининг ёнида бир мартагина бўлсин, «Ҳэ, фалончими, ўшаям сизларга дарс берадими, ўргилдим» деса тамом, ўқувчи учун ўша ўқитувчини йўқ, деб ҳисоблайверинг. Аждодларимиздан анъана бўлиб қолган устоз-шогирдликнинг олий муносабатларини қайта тиклаш, тарғиб қилиш ғоят муҳимдир.

Шунингдек, таълим беришнинг янги усулларини ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди. Менимча, ота-боболаримизнинг хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин таълим бериш усулларига мурожаат қилиб кўриш керак. Эътибор беринг, ҳар бир илм, улуғларнинг ҳаёти, ахлоқ-одоб, тарих фақат ривоятлар, масаллар, ҳикоятлар орқали шогирдларга етказилган. Шу маънодаги қўшимча дарсликларни чоп этишга жиддий эътибор бериш лозим. Масалан, «Ривоят — Алифбо», «Саёҳатчи рақамлар», «Қизиқарли математика», «Сувнинг Кимё мамлакатига саёҳати», «Топишмоқли ботаника», «Оймомонинг уйида» ва шунга ўхшаш қўлланмалар чоп этилса, уларнинг кўпчиликка нафи тегарди. Демоқчиманки, «Мантиқут-тайр»га ёш Алишернинг сеҳрланиб қолишига дастлаб ундаги сўфиёна ғоялар эмас, эҳтимол, гўзал ривоятлар сабаб бўлгандир. Хуллас, бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширадиган бўлсак, мумтоз адабиёт вакиллари қаторида А. Авлоний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий каби маърифатпарварлар тажрибаларидан ҳам фойдаланаверсак, ёмон бўлмасди.

**Суҳбатдош
Азиз САИДОВ.**

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ—70 ЁШДА

# МЎЪТАБАР МАСКАН

Инсоният яратган мўъжизаларнинг улуғи, билимнинг қалби, фаннинг ибтидоси, тафаккур машъали — китобдир. Китобни яратиш, ўқувчига етказишда беқиёс аҳамиятли даргоҳ эса нашриётдир. Бугун бош нашриётимиз «Ўзбекистон»нинг байрами. У 70 га тўлди.

Нашриёт ўзининг шу давр мобайнидаги фаолиятида халқимизнинг маърифий талабини қондириш учун ижтимоий-иқтисодий, оммавий-сиёсий адабиётлар, ўқув адабиётлари, тасвирий босма маҳсулотлар чоп этишда катта ишларни амалга ошириб, 30-йилларгача Ўзбекистонда энг асосий нашриёт ҳисобланиб келди. Бу даврда нашриёт фаолиятига И. Ғиёсхўжаев, К. Берегин («Маърифат» муҳаррирларидан), Наим Саид, Рауф Ҳабиб раҳбарлик қилдилар. Шариф Булатов, Малик Раҳмон, Илёс Муслим, Шукур Саъдулла, Абдулла Хўжахонов («Маърифат» муҳаррирларидан), Насрулло Охундий, Собиржон Иброҳимов, Ойдин Собирова, Акмал Пўлат, Ғайратий, Зулфия Исроилова сингари ёзувчи ва шоирлар, Абдулла Уразаев, Мажид Усмон, Насибулла Ҳабибуллаев, Аъзам Аюб, Муҳаммад Ҳасан, Санжар Сиддиқ, Сулаймон Азимов, Раҳмат Мажидий, Рихси Саҳибоев, Наби Алимуҳамедов, Шербек Алиев, Йўлдош Шамшаров, Шариф Толибов, Яҳё Йўлдош, Зиё Аминов, Зайнаб Тинчерова, Аҳад Қосимов, Алавий Ҳасанов, Эргаш Бадалов каби таржимон-журналист муҳаррирлар республика наширларининг илк қалдирғочлари бўлган эдилар.

Нашриётда Шарқнинг буюк мутафаккирлари Беруний, Ал-Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари зотларнинг бебаҳо меросидан халқимизни баҳраманд этувчи китоблар чоп қилинди. Дастлабки маърифатпарвар, фан, адабиёт ва санъат намояндалари — Муқимий, Фурқат, Завқий, Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Тавалло, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон асарлари, дарсликлар нашр этилиб тарқатилган. Шунингдек, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва бошқа давлат арбобларининг нутқлари, мақолалари тўпламлари, плакатлар чоп этилган.

Уруш йилларида нашриёт мамлакатда бирликни мустаҳкамлашга, оммани ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган, халқни ғалабага руҳлантирадиган оммавий сиёсий, бадиий китоблар, плакатлар ва бошқа тасвирий маҳсулотлар чоп этди.

Китоб нашр қилиш барқарор суръатлар билан ўсиб борди. 1950—1958 йилларда нашриёт 4772 номда босма маҳсулотлар чиқарди, уларнинг тиражи 69 миллион 954 минг нусхани ташкил этди. 50-йиллар ўрталарига келиб Ўздавнашр негизида Ўқувпеддавнашр (ҳозирги «Ўқитувчи»), Ўзадабийнашр (ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти), «Медицина» (ҳозирги ибн Сино номидаги), «Меҳнат» нашриётлари ташкил этилди. 1964 йилда Ўздавнашрга «Ўзбекистон» нашриёти номи берилди. «Ўзбекистон» нашриёти 1965 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи, 1975 йилда Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Нашриёт миллий наширларни тарбиялашда ҳам ўзига хос мактаб бўлган. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ҳусайн Шамс, Мирзакалон Исмоилий, Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Шукур Саъдулла, Миртемир сингари адабиётимизнинг таниқли арбоблари, Наим Саидов, Абдулла Ўразаев, Насрулло Охундий, Мели Жўра каби наширлар, Искандар Икромов, Лутфулла Абдуллаев, Мидхат Гумаров сингари мусаввирлар шу нашриётда ишлаб ижод камолига етишганлар.

Республикада нашриётчилик ишини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун бир қанча ходимлар орден ва медаллар билан тақдирландилар.

80-йиллар мамлакат ички ва ташқи, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини ёритиш нашриёт фаолиятидан алоҳида ўрин тутади.

«Ўзбекистон» нашриёти олдида тўла хўжалик ҳисобига ўтиш, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш вазифаси турарди. Таҳририятлар ва бўлимлар қўшиб юборилиши натижасида маъмурий-бошқарув ходимлари сони қисқартирилди. Уларнинг вазифасини бажариш бош муҳаррирнинг икки ўринбосари зиммасига юклатилди. Бундай ўзгариш ўзининг яхши самарасини берди. Нашриётда қўлёзмаларнинг силжиш босқичлари камайди. Иш ҳақи фонди тежалди. Бўлимларнинг ишини назорат қилиш бирмунча осонлашди.

Шу йилларда нашриётларда китоб чоп этишнинг яна бир янги шакли жорий этилди. Бу — муаллиф маблағи ҳисобига маҳсулот чиқаришдан иборат эди. Буларнинг барчаси ўша йилларда вужудга кела бошлаган молиявий танглиқдан чиқишга қаратилган эди.

Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти бугунги кунда турли соҳаларга оид хилма-хил китоблар ва рисолалар, тасвирий босма маҳсулотлар, альбомлар чоп этмоқда. Ҳар йили умумий ҳажми 2000 нашр табоқдан кўпроқ бўлган 200 ном атрофида китоб ва бошқа босма маҳсулотлар китобхонларга етказиб берилмоқда.

Нашриётда ижтимоий-иқтисодий ва оммавий-сиёсий адабиётлар, ўқув адабиётлари, тасвирий босма маҳсулотлар, буюртма ва тижорат адабиётлари, қозоқ тилида ва хорижий тилларда китоблар чоп этиш билан шуғулланувчи таҳририятлар, мусаҳҳиҳлар, китоб безаш, техник таҳрир бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларига дадил ўтилаётган ҳозирги шароитда нашриёт мустақил республиканинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларда олиб бораётган сиёсатини тарғиб қилувчи, миллий истиқлол мафкураси моҳиятини баён этувчи адабиётларни нафақат ўзбек тилида, рус, инглиз, немис, француз тилларида ҳам чоп этмоқда. Бу адабиётлар орасида Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг деярли барча рисолалари ва тўпламлари, шу жумладан, «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда халқимизнинг маданий-маърифий, илоҳий меросини, қадриятларимизни тарғиб этувчи аждодларимиз, ўтмиш мутафаккирлари ҳақидаги асарларни чоп этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Шарқ мутафаккирлари», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар», «Халқ оғзаки ижоди», «Қадимий шаҳарлар» туркумидаги китоб ва рисолалар фикримиз далилидир. Куни кеча Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган «Хива 2500» суратли альбоми, Қашқадарё вилоятининг 70 йиллигига бағишланган суратли альбом хорижда — Туркияда нашр этилиб, китобхонларга тортиқ қилинди. Бу нашрлар «Ўзбекистон» нашриётини яқин қўшни республикаларгагина эмас, балки чет давлатларга ҳам танитди. Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига 8 жилддан иборат «Хотира» китобини нашрдан чиқарди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар нашр этилмоқда.

Нашриётда буюртма адабиётлар таҳририяти, масъулияти чекланган «Ношир» жамияти, «Ўзбек—Ремакса» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар ташкилотлар, муассасалар, корхоналардан буюртмалар қабул қилади. Қўлёзмалар ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, араб, турк, инглиз, француз, немис, испан ва бошқа хорижий тилларда терилиб босиш учун тайёрлаб берилади. Шунингдек, муаллиф маблағига, ташкилотларнинг қатъий буюртмаси бўйича китоб нашр этиш йўлга қўйилган. Юбилей саналарга бағишланган каталоглар, изоҳномалар, таклифномалар, режаномалар, тақвимлар, плакатлар ҳам чоп этилади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда «Ўзбекистон» нашриёти ўзининг 70 йиллик тўйини муносиб тўёналар билан кутиб олмоқда.

**Суръат АБДУКАРИМОВ,
«Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари.**



*«Ўзбекистон» китоблари мактаблар кутубхоналарини ҳам бойитмоқда.*

**А. РАҲИМОВ олган сурат.**

Олий ўқув юртларида

# ЯНГИ УСУЛ САМАРАСИ

**Индустриал-педагогика факультети Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида халқ таълими ва ишлаб чиқариш корхоналарига тажрибали ва етук мутахассисларни тайёрлаб беришда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни пайтда факультетда 50 дан зиёд мураббий 180 талабага меҳнат ўқитувчиси ва қўшимча учта — автомобиль юмушлари, маиший хизмат, қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассисликлари бўйича таълим-тарбия бермоқда.**

**Биз дарс ва машғулотларни кузатар эканмиз, талаблардаги илму ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқ кучлилигига, сабоқ жонли ўтишига гувоҳ бўлдик. Шу маънода факультетда кечаётган жараёнлар, ўқитиш ва талабалар билимини баҳолаш тизими, талабаларнинг ёзги амалиётни қандай ўташлари билан қизиқиб, факультет деканининг ўқув ишлари бўйича муовини, техника фанлари номзоди, доцент Саъдулла Убайдуллаевич Убайдуллаев билан суҳбатлашдик.**

*— Саъдулла ака, ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда олий таълим тизимига талабаларни ўқитиш ва баҳолашнинг янги усуллари жорий этилмоқда. Сизларда бу борада қилинаётган ишлар мазмуни қандай, дарсларнинг жонли ўтиши, балки, янги усул самарасидир?*

— Факультетимиз жамоаси институтда олиб борилаётган талабалар билимини босқичма-босқич баҳолашнинг янги усули — рейтинг тизимига қўшилди-ю юкимиз енгиллашди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, талабалар илгари фақатгина сессияга яқин ўқишга зўр берган бўлсалар, ҳозир ўқув йили давомида жорий ва марравий назоратлар орқали билимларини синаш ва керакли балларни тўплаш имкониятига эгалар. Бу эса талабаларга бутун ўқув йили давомида дарсларга тўлиқ ва фаол қатнашиш мажбуриятини юклайди ва ўз-ўзидан уларнинг дарсларга бўлган қизиқишини оширади.

Бизда «Рейтинг тизими амалда» экрани ташкил этилган бўлиб, ҳафта охирида тегишли фанлар бўйича кафедра рейтинг дафтарига ва талабалар рейтинг дафтарчаларига ўқитувчилар томонидан қўйилган жорий ва марравий назорат баллари декан муовинлари томонидан кўриб чиқилади ва экранда ёритилади. Экрандаги натижаларга қараб, гуруҳлардаги паст балл тўплаган талабалар билан алоҳида шуғулланилади ва унинг натижалари доимий назорат қилиб борилади. Агар талаба жорий ва марравий назоратдан энг юқори 50 балл тўплаган бўлса, унга шу фаннинг синов ёки имтиҳонидан озод бўлиш имконияти берилади.

Рейтинг усули ўзининг самарасини бу йил тўла кўрсатди: ўтган ўқув йилига солиштирилганда, «4» ва «5» баҳоларга ўқийдиган талабалар сони 60 фоизга ошди.

*— Ҳозир айни курсдан-курсга ўтиш имтиҳонларини топшириш маҳали. Имтиҳонлар, албатта, тест усулида қабул қилинаётган бўлса керак.*

— Ҳа, сессия маҳали нафақат имтиҳонларни, балки синовларни ҳам барча курс талабалари махсус тузилган тестлар асосида топширадилар. Бу усул яхши самара бераяпти, бироқ баъзи ҳолларда айрим қалбакиликлар учраб турибди. Бунга йўл қўймаслик учун жавоблар ёзилган тест қоғозига талабанинг исми-шарифи ва гуруҳ рақами ўрнига деканат томонидан махсус рақамлар қўйилади ва текширувчилардан сир тутилади. Шу тариқа талабалар билимини тўғри ва адолатли баҳолашга эришаяпмиз.

*— Сизга яна бир савол. Талабаларнинг ёзги таътил кунлари, амалий машғулотларга қатнашишлари қандай ташкил этилган?*

— Ҳар йилгидек, бу йил ҳам талабалар ёзги имтиҳонларни тугатишлари биланоқ бир қанча ташкилотларда ва болалар оромгоҳлари ёзги амалиётларини ўтайдилар. Биз талабаларни мутахассисликларига қараб турли жойларга маълум муддатга юборамиз. Масалан, 1-курс талабалари Жиззах шаҳридаги 22-автокорхонада 10 кун, Жиззах шаҳри У. Турақулов номидаги устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида 10 кун, Жиззах тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги устахонасида 10 кун муддатда ўқув-танишув амалиётини ўташса, 2-курс талабалари Жиззах ремонт-механика заводида 3 ҳафта мобайнида технологик амалиётни ўтайдилар. 3-курс талабалари Фориш, Бахмал, Зомин туманларидаги болалар оромгоҳларида касб сирлари билан танишишади.

Умуман олганда, ҳар бир талабага назарий билимларини амалиётда синаб кўриш ва янада бойитиш, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этишлари учун мавжуд шароитларни тўлиқ яратиб берганмиз. Талабалар қолган таътил кунларида ўзлари хоҳлаган жойларда дам олишади ва ота-оналарига кўмаклашадилар.

*— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.*

**Улуғбек ОДИЛОВ
суҳбатлашди.**

# КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти қошида кўчма Кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда барча вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг ректорлари, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг энг малакали ўқитувчилари иштирок этишди.

Кенгашнинг биринчи кунида қатнашчилар Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ректори Дилбар Маликова ҳамроҳлигида институтнинг иш фаолияти, кафедра ва бўлимлари билан танишиб чиқдилар ҳамда курс машғулотларининг ўтишини кузатдилар. Институтнинг янги тизимдаги фаолиятига тааллуқли ютуқ ва муаммолар ректорлар томонидан ўрганиб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Шундан сўнг Кенгаш асосий иш фаолиятига ўтди. Унда республика малака ошириш институтларининг бугунги аҳволи ва белгиланган режаларнинг бажарилишига доир ректорлар ҳисоботи ҳамда А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Ғайрат Шоумаровнинг ахбороти тингланди. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, болалар тарбиясини кучайтириш, соғлом авлодни тарбиялаш ва «Туркистон — умумий уйимиз» шиорини жойларда кенг тарғиб қилиш ишларида малака ошириш институтлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Ўтган вақт мобайнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни келгусида такрорламаслик учун чоралар изланди.

«Энг ташвишланарли ҳодиса, малака оширишга раҳбар ходимларнинг кам келаётганидир, — дейди Ғайрат Шоумаров. — Ҳолбуки оддий ўқитувчи ҳар беш йилда бир марта малака ошириши лозим бўлса, раҳбарлар икки-уч марта ўз малакаларини оширишлари лозим. Бу уларга таълим жараёнидаги янгиликлар билан бекаму кўст танишиб боришларига имкон беради. Шунингдек, соғлом авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ва миллий тарихимизни болалар онгига сингдиришдек масъулият зиммасига юклатилган тарих муаллимларимизнинг ҳам ўз малакаларини ошириб боришда бошқа фан ўқитувчиларидан кейинда қолаётганини афсус билан таъкидлашга мажбурмиз».

Кенгашнинг иккинчи кунида қатнашчилар Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-болалар боғчаси, 4 ва 1-ўрта мактабларни бориб кўриб, уларнинг иш фаолияти ва тажрибалари билан танишдилар. Айниқса, билимдон ва тадбиркор инсон Ф. И. Ли директорлик қилаётган 1-ўрта мактаб ректорларда катта таассурот қолдирди. Анжуман сўнгида Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ходимлари ҳамда Ўрта Чирчиқ тумани мактабларининг илғор ўқитувчилари билан Республика кўчма кенгаш қатнашчиларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

**И. БЎРИБОЕВ.**

# МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги муҳташам маданият уйида шоир, журналист ва ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг 60 йиллик тўйига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда туман раҳбарлари, шоирнинг ҳамкасб дўстлари, мухлислари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар Йўлдош Сулаймоннинг ижоди, ҳаёти, одамлар қалбидан жой олган асарлари ҳақида илиқ фикрлар айтишди. Санъаткорлар эса шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этишди.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.**

# ЎҚУВЧИ СЎЗИ — МУАЛЛИМ ЮЗИ

**Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

Муаллим меҳнатига баҳо бермоқ учун қўлга қалам олганда,ҳар гал Навоий бобомизнинг ушбу шоҳ байтлари ёдга тушади. Шубҳасиз, бу сўз чинакам фидойи мураббийлар, устозлар ҳақида айтилган. Замонлар ўтган сайин муаллим меҳнатини баҳолашнинг мезонлари ҳам ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб бориши тайин. Шогирднинг ҳаётда ўз йўлини топиши, жамиятда тутган мавқеи ҳам устозга шуҳрат келтиради. Демак, шогирднинг камолоти устоз, мураббий, муаллим меҳнатини баҳоловчи мезонлардан бири десак, хато қилмаймиз.

Авваллари ўқитувчи, хусусан, мактаб муаллими меҳнатини бундай мезон билан баҳолаб бўлмасди. Чунки, муаллим қўлида аранг «уч» баҳога ўқиган ўқувчи отасининг «чўнтаги қудрати» билан энг зўр олийгоҳларга кириб ўқир, уни қийналмасдан битирганидан сўнг ҳам мўмай даромадли, машинали иш уни кутиб турарди.

Бугун бундай ҳоллар барҳам топди. Тест синовлари ҳамманинг билимини бирдек холис баҳолаш учун зарур шароит яратди. Энди тест натижасида нафақат ўқувчиларнинг, айни пайтда ўқитувчиларнинг ҳам билим ва тажрибасига холис баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Демак, ҳалол, жонкуяр муаллим меҳнатининг қадри беҳиҳоя ошди.

Тошкентнинг Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг кимё фани муаллими Маъмура опа Алимуҳамедовага бу жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Сабаби, Маъмура опа қўлида шу фандан таҳсил олган ўқувчи имтиҳон топширишда қийналмайди. Битта мисолни айтиб ўтмоқчиман: икки йил муқаддам мактабнинг кимё ва биология фанига ихтисослашган синфларида уч йил мобайнида Маъмура опадан таҳсил олган битирувчи синф ўқувчиларининг саксон фоизи ўша йилнинг ўзида тест синовларини муваффақиятли топшириб, республиканинг тиббиёт олийгоҳларига ўқишга кирдилар. Бу — шаҳар миқёсидаги жуда катта кўрсаткич. Бинобарин, муаллим меҳнатини баҳоловчи мезонларга бирдан бир аниқ далил эди. Кейинги йилларда ҳам опа қўлида кимё сирларини ўрганган ўқувчиларнинг олий даргоҳлардаги имтиҳонларда ҳам юзи ёруғ бўлмоқда.

Хўш, бундай юқори кўрсаткичга эришишнинг сири нимада, деб сўрашингиз мумкин. Сир шундаки, фанни мактаб дастури бўйича ўқувчиларга сингдиришда Маъмура опанинг ўз услуби бор. У ҳар бир ўқувчининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтишга ижодий ёндашади. Ўз фикрини ўқувчига тушунтира олади. Маъмура иккинчи даражали нарсалар билан ўқувчининг бошини қотирмайди, вақтини олмайди. «Мен дарс ўтишда ҳам, ўқувчининг уни қандай ўзлаштиришини назорат қилишда ҳам изчилликни асло бузмайман», — дейди опа. Изчиллик бузилган жойда меҳнат пуч бўлади.

Маъмура опанинг дарс ўтиш маҳорати, малакаси сирлари — бу, ўзига хос ижодий жараён. У жараённи сўз билан ифодалаб, таърифлаб бўлмайди. Уни фақат тингловчи сифатида дарс жараёнида қатнашиб, ҳис этиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳатни айтиш керак: опа камтарликни ёқтирадилар. Шогирдларидан ҳам шуни талаб этиб илм ва маънавиятдан, маърифатдан бебаҳра қолманглар, дейдилар. Манманликни кечирмайдилар. Шу сабабли бутун мактаб муаллимани ҳурмат қилади, ёш ўқитувчилар ҳам бу дилкаш мураббийнинг қалб саховатидан баҳраманд. Мактабда энг фаол, билими аъло, намунали синф Маъмура опанинг синфи бўлади. Опа бунга чин муаллималик тажрибаси, фидойиликлари билан эришган.

Георгий Дмитров номидаги 9-мактабда Маъмура Алимуҳамедова сингари ишбилармон чин устозлар ҳамиша эъзозда. Холида Холмуҳамедова, Малика Муҳамедова, Муҳаббат Тўраева, Ёқутхон Жабборова ва бошқа мураббийлар қўлида таҳсил олган ўқувчилар ўзларини бахтиёр ҳисоблайдилар. Негаки, улар ўз ўқувчилари қалбига йўл топа олган, фанигина эмас, ҳаёт дарсини ҳам сингдирган чин устозлардир.

Эрта-индин республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ана шу фидойи муаллималар қўлида таҳсил олган юзлаб шогирдлар имтиҳон топширадилар, муҳим синовлардан ўтадилар. Фақат уларгина эмас — шу ёшларни ўқитган муаллимлар ҳам «имтиҳондан ўтадилар». Кимнинг шогирди аъло баҳо олса, устознинг ҳам меҳнатига берилган баҳо аъло бўлади. Зотан, муаллим меҳнатига бериладиган баҳонинг мезони шогирдларнинг қандай қадам босишига кўра белгиланади.

Катта ҳаёт бўсағасидаги имтиҳонлар яқин: шогирдларга ҳам, устозларга ҳам элимизнинг раҳмати ёғсин. Юзи ёруғ шогирдлар қувончидан устозлар қалбига нур таралсин, деймиз.

**Адиба АБДУЛЛАЕВА.**

*Меҳрибонлик уйларида*

# ЁНИБ ЯШАСАМ ДЕЙМАН

Бола бор жойда шўхлик, қийқириқ, шовқин-сурон ҳукмрон бўлади. Фарзандларингиз бўш қолди дегунча қувлашади, ўйнашади, беғубор кулишади. Меҳрибонлик уйидаги болалар эса назаримизда жиддий ва мушоҳадали болалар кўринади. Улар ўз ёшларига нисбатан барвақт улғайиб қолишгандек... Яна бир гап. Уларнинг юз-кўзлари кулиб турса-да, қалблари йиғлаётгандек...

Биз деярли ҳар куни давлатимиз таянчи — дилбандларимизнинг тақдири тўғрисида тарғибот, ташвиқот қиламиз: «Болаларимизни бекаму-кўст ўстирайлик, улар бахтли болалик нашидасини сурсин. Илло, улар ота-она меҳридан озиқланиб улғайсинлар...» — деймиз.

Кундалик турмушимизда «тирноқ»қа зор оилаларни учратмадикми? «Қизми-ўғилми, биттагина фарзанд кўрсам, бу ёруғ дунёда армоним йўқ эди», — дея қушноч кампирдан тортиб, «энг катта дўхтиргача югуриб юрган, қабристонлар тупроғини тавоб қилиб, масчид-у мадрасалар қуриб, дуо олаётганлар озми?

Китоб шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 46 нафар қиз ва 52 нафар ўғил учун ейишичиш, яшаш, ўқиш ва касб ўрганиш, мазмунли дам олиш учун зарур шароитлар муҳайё этилган.

— Мазкур ўқув йилида тарбияланувчиларимиз, икки марта Янги йил байрамида ҳамда Халқаро болалар кунида Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсий совғаларини олдилар, — дейди меҳрибонлик уйи директори Шоҳиста опа Қодирова. — Совғалар орасида ҳамма нарса бор. Бош-оёқ кийим-кечак, ширинликлар, ўйинчоқлар, ҳаттоки турли-туман сақичлар ҳам... Биласизми, тарбияланувчиларимиз эсли-ҳушли болалар. Ўз тенгқурларига нисбатан эртароқ ҳаётни тушуниб етадилар. Улар ҳеч қачон, ҳеч кимдан бундайин ажойиб совғаларни, аниқроғи умуман совға олишмаган. Болаларимиз совға халталарини очишгач, хурсандликларидан кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди. Тожинор Зайниева, Эшмурод Ҳалимов, Тоштемир Сатторов, Вассибек Пирназаров каби тарбиячиларимиз ўзимизда тарбияланиб, шу уйда вояга етганлардан.

Муборак газ тайёрлаш ва қайта ишлаш корхонаси (бошлиғи И. Р. Келиш) ҳам доимо болалардан ҳол-аҳвол сўраб туради. Ҳали у, ҳали бу масалада ёрдамлашадилар. Мазкур корхона раҳбарияти ўтган йили битта янги «Икарус» автобусини ҳадя этган эди. Бу йил эса меҳрибонлик уйининг иситиш узатмаларини табиий газдан фойдаланишга мослаб, таъмирлаб берди.

Доно халқимизнинг: «Етим кўнгли — ярим», деган ҳикматига болалар билан бўлган мулоқотда яна бир бор ҳис этдим. Шафқатсиз ўлим туфайли ёшлигида ота-онасидан бевақт айрилиб қолган етим билан ота-онаси тирик етим орасидаги фарқ ер билан осмонча бўлар экан. Ота-онасиз етим бир эзилса, ота-онаси бор етимлар ўн эзиларкан. Ота-онаси йўқлар йўл қарамас, кутмас экан. Лекин, ота-онаси тирик етим кеча-кундуз йўл пойлаб кутар экан.

Енгил-елпи ҳаёт, вақтинчалик шон-шуҳрат, ҳаром йўл билан топилган мол-давлат орқасида кўплаб оилаларнинг бузилиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Оқибати — кўплаб бегуноҳ болалар тирик етим, руҳан мажруҳ бўлиб қолмоқдалар. Ота-она деб аташга тил бормайдиган ўша «эр-хотин» фарзандларини меҳрибонлик уйлари деб аталувчи етимхоналарга топшириб, ўзлари бошқа турмуш қуриб кетмоқдалар. Улар йўл қўйган хатоларини кечроқ бўлса ҳам тузатишмаяпти. Эртадан-кечгача мунчоқдек кўзларини деразага қадаб ўтирган фарзандларидан хабар олишмаяпти.

Яккабоғлик Гулноза Хўжамуродованинг болалик йиллари мазкур меҳрибонлик уйида ўтди. Эндигина олти ёшга қадам қўйган ширингина қизалоқлик пайтида бувиси жажжи қўлларидан етаклаб, шу ерга топшириб кетганди. Ушанда унинг ота-онаси ажралишиб, алоҳида-алоҳида оила қуриб кетишганди... Кунлар, ҳафталар, ойлар ва ниҳоят йиллар ўтибди. Гулнозанинг бу ерга келганига роппа-роса ўн бир йил тўлибди. Ўн бир йил қанчалик узоқ муддат эканлигини ягона Гулнозанинг ўзи билади... Шу муддат мобайнида бағритош онанинг, фарзанд уволи тутгур отанинг оёқлари меҳрибонлик уйига бирор марта етмабди...

Гулноза билан анчагина суҳбатлашдик. У одобли, ҳаёли, иффатли, фикри теран, ҳавас қилгудек қиз экан. «Мен шу ерда ўсиб, вояга етдим. Миллий урф-одатларимизни, илм-одоб, бичиш-тикиш, уй-рўзғор юмушлари — ҳамма-ҳамма нарсани ўргандим. Нон ҳам ёпа оламан, сигир ҳам соға оламан, тўн қавийман, ош дамлайман. Аввалари ота-онамни соғиниб, жуда кўп кутардим. Кечалари баъзан ухламасдим ҳам. Кутмай қўйганимга ҳам анча бўлди...

Мана, ўн биринчи синфни тугатдим. Шаҳрисабз тиббиёт билим юртига кирмоқчиман. Бахт кулиб боқиб ўқишга кирсам, албатта, яхши ўқийман. Мабодо кира олмасам, меҳрибонлик уйимизда ишлаб қоламан. Умуман, мени шу даражага етказган Ватанимга хизмат қиламан. Боласевар Президентимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган сўзлари менга жуда-жуда ёқади. Мен ҳам ана шундай яшасам дейман...

Гулноза синглим! Сендаги ақл-идрок ва матонатга, яшашга бўлган қатъий ишончингга қойил қолдим. Тўғриси, жуда кўп нарсаларни сендан ўргандим. Сен, албатта, барча орзуларингга эришасан. Бу йўлда адолатпарвар ҳар бир киши сенга тилакдошдир. Гулноза, сен ёш бўлсанг-да, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини яхши тушунасан. Ҳалол, пок яшаш учун астойдил курашмоқ зарур. Адолатли курашмоқ учун эса ўзинг таъкидлаганингдек, «ёниб яшамоқ» керак...

Меҳрибонлик уйининг директори, 98 нафар тарбияланувчининг севимли онаси Шоҳиста опанинг кўмагида анчагина болалар билан «тил топишиб» гурунглашдик. Суҳбатларимиз ниҳоясида яна бир бор шунга иқрор бўлдикки, бола учун энг азизи — ота-она меҳри экан...

Ҳа, оилаларимизда тинчлик ва тотувлик барқарор бўлсин. Болаларимиз ўз ота-оналари бағрида эрка ва шўх, ўйинқароқ бўлиб, бошларини тик кўтариб, мағрур ўссинлар... Тақдир бу толедан бебаҳра этганларни ҳам унутмайлик.

**Абдували ОБИДДИНОВ.**



*Олтин ёз*

# ҚИЗИЛДАРЁ ОРОМГОҲИДА

Яккабоғ туманидаги Қизилдарё ёнида жойлашган оромгоҳ ўзининг хушманзаралилиги, соф ҳавоси, зилол сувлари, ширин-шакар мевалари билан кўпчиликнинг оғзига тушган. Бу маскан 1935—1940 йилларда болалар уйи бўлган. Ҳурматли Йўлдош ота Охунбобоев келиб болалар билан учрашган.

Ҳа, бу сўлим дам олиш маскани ўшандан буён болаларнинг дам олиш оромгоҳига айлантирилиб, ободонлаштирилиб Йўлдош отанинг номи билан юритилиб келинмоқда. Ҳар йили ёзги таътилда бағри минглаб болалар билан тўлиб-тошади. Яқинда Қашқадарё вилояти матлубот жамиятига қарашли оромгоҳда бўлдик.

Оромгоҳ директори Раҳматилла Баратов маскан ишлари билан таништирди. Лагерь ҳудудини айландик. Тангадек қуёш тушмаган, соя-салқин боғ озода, йўлак ва барча ётоқхоналар атрофлари чамандек очилган ҳар хил гуллар билан тўла. Шоҳдан-шохга ўтиб сайраётган қушлар овозию, Қизилдарёнинг бир оҳангда шовиллаб оқиши гўё ажиб бир мусиқа садоларини эслатади.

Маданий ишлар бўлимида ёш ҳаваскорлар машғулоти ўтади, қуйи томонидаги спорт майдонида футбол ва волейболдан машқ қилишмоқда. Кутубхона залида болалар китоб мутолаа қилиш, шахмат-шашка ўйнаш билан машғул.

— Жорий йилдаги ёзги таътил мавсумига тайёргарлик бошқа йиллардан фарқ қилади, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ директори. — Ёзги таътилда оромгоҳда ишлаётган кадрлар вилоят касаба уюшмаси, туман халқ таълими бўлими ҳамда туман ёшлар Иттифоқи қўмиталари ҳамкорлигида синалган малакали тарбиячи, ўқитувчи ёшлардан танланди ва қайта тайёргарликдан ўтказилди. Ёзги таътил мавсумида уч сменада дам олиш ташкил этилиб, вилоят савдо ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг 1000 га яқин фарзанди ҳордиқ чиқаради. Ҳозирги оромгоҳнинг биринчи даврасида 300 дан ортиқ бола дам олмоқда. Болаларнинг тўйиб ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Оромгоҳ етарли даражада қаттиқ ва юмшоқ ашёлар билан таъминланган. Замонавий қурилган 7 бино ва 2 павильонда болалар тунайдилар. Янгича қурилган 300 ўринли ошхона, кинотеатр, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, тиббий хизмат кўрсатиш бинолари, спорт майдони ва бошқа бир неча маданий ҳордиқ чиқарадиган жойлар болалар учун хизмат қилмоқда. Барча бинолар сифатли таъмирланган.

Болалар дам олиши даврида тоғ жинслари, ҳар хил ўсимликлар дунёси билан танишадилар. Шаҳрисабз шаҳридаги қадимий обидалар, «Ҳужум» бадиий фабрика ишлари, Китоб шаҳридаги Улуғбек кенглик станцияси, Яккабоғдаги «Қизил сув», Қамашидаги «Чимқўрғон» сув омборларига саёҳатга борадилар.

Ҳозирги вақтда ёшлар ўртасида 6 турда тўгарак иш олиб бормоқда. Айниқса, табиатни ўрганиш, шахмат-шашка, ёш ҳаваскорлик, тасвирий санъат, футбол ва волейбол тўгаракларида машғулотлар намуналидир. Ёшлар ўртасида тарбиявий-ташкилий ва саёҳат ишларини намунали ташкил этишда етакчи тарбиячилардан Муҳайё Бухорова, Нодира Холматова, Муаттар Поёнова, Абдуназар Боймуродова, шифокор Ўктам Саидов ва бошқалар ташаббускор бўлмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ёзнинг шукуҳбахш оқшомлари гулхан атрофларида фараҳли ўтказилаяпти. Оромгоҳлараро мусобақалар, тоғларга, табиатнинг гўзал жойларига уюштирилаётган сайру саёҳатлар ҳар бир болакай қалбида ўчмас из қолдирмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Яккабоғ туман халқ таълими бўлими ходими, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.**

*Бири кам дунё*

## 22 ДАРАЖА СОВУҚДА

Тун ярмидан сўнг ишга кетаётган канадалик ота орқасидан келаётган кенжа қизчасини пайқамади. Кўча эшиги ўз-ўзича қулфланиб, бола уй ташқарисида қолиб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ онаси эса ўша вақтда ширин уйқуда эди. Ташқарида 22 даража совуқ... Қизчани 6 соатдан сўнг онаси кўча эшигида кўзлари очиқ, деярли музлаб қолган ҳолда топди. Тезда 50 километр олисдаги шифохонага келтирилиб, уч соатлик ҳаракат натижасида ҳаётга яна қайтарилди. Регина шаҳри марказий шифохонаси докторларидан Жон Бургесс: «Бола касалхонага келтирилганида ўлик эди. Бунга ҳеч шубҳамиз йўқ»,— деди. Мутахассисларнинг фикрича, боланинг бадани совуқда бирмунча вақт музлаб қолган. Аммо мияси ҳеч қандай зарар кўрмаганлиги учун ўлим оғзидан қайтди. «Олди-орқангга қараб юр»,— деб бежиз айтмас эканлар.

## ИТНИ ТИШЛАБ ЎЛДИРДИ

Газетачиликка эндигина қадам қўйганларга «Ит инсонни қопгани учун эмас, одам итни тишлагани учун ўлдирди» деб ёзиш анча эриш туюлади.

Украинада маст бир киши итни тишлаб олди, бугина эмас, уни тишлаб ўлдирди. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Днепропетровск шаҳри паркида кайфдан чайқалиб юрган 37 ёшли Анатолий Козий катта бир итга дуч келди. Ароқ сассиғидан безовта бўлган ит соҳибига ташланди. Козий ҳам кўппакнинг бўғзидан тишлаб олди. Оқибат-натижада ит ўз эгасининг кўз олдида жон берди.

## ЧАП КАФТИ ЙЎҚ ЧАҚАЛОҚЛАР

Буюк Британияда чап кафти йўқ ҳолда дунёга келган болаларнинг тобора купайиб бораётгани кишини ташвишга солади. «Таймс» газетасида босилган бир хабарда ёзилишича, мамлакатнинг жанубий-шарқий соҳилбўйи шаҳарларида ғаройиб шаклда яна икки чақалоқнинг туғилиши Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигида бундай воқеалар саноғини ўттизга етказди. Мазкур воқеаларнинг асосан денгиз қирғоғидаги муайян бир минтақада содир бўлиши эътиборни жалб этади. Шу боис мамлакат Бош Вазири Жон Мейжор баёнот бериб, унда дилидагини тилга кўчирди. Бу тоифадаги мажруҳлар ҳар 10000 чақалоқнинг уч ёки тўрттасида учраши муътадил ҳол бўлгани ҳолда ҳозир ҳам 300 чақалоқдан тўрттасида кузатилмоқда. Бундай туғилишлар денгиз бўйидаги ерларда ўсиб бориши эса денгизнинг ифлосланиши масаласини кун тартибига қўйишга олиб келади. Шотландия ва Англиянинг шимолида шубҳа туғдирадиган ягона нарса — яқинда шу минтақадаги Ядро тадқиқотлари марказидан сизиб ўтган радиация эҳтимоли. Баъзи мутахассислар эса ҳозиргача номаълум бўлиб келаётган бир вирус одамнинг иммунитет тизимига таъсир қила олиши билан боғламоқдалар. Ҳар ҳолда: «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнинггни...».

# ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги илмий-методик журналининг 1995 йилги дастлабки сони муштарийларга етиб борди.

Бош мақола сифатида профессор Иристой Қўчқортоевнинг «Ўзбек тили фани ўқитилишининг долзарб масалалари»га бағишланган материали чоп этилган. «Адабий тақвим» рукнидан Наим Каримовнинг «Ойбек номли чўққи», Тўхтасин Жалоловнинг Зулфия ҳақидаги «Поклик сарчашмаси» деб номланган материаллари ўрин олган.

Ушбу сонда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ҳақида ҳам материллар чоп этилган. Жумладан, Мунира Толипованинг 10-синфда «Алломалар бисотидан» мавзусида мусобақа ўтказиш, Назира Ғуломованинг «Болалик — умрнинг асл палласи» мавзусида мунозара - дарсини Тоҳир Малик ижодига бағишлаб ташкил қилиш бўйича мақолаларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳувайдо ижодини ўрганишнинг ўзига хос талқини эса фарғоналик муаллифлар Маликжон Бобораҳимов ва Санобархон Бобораҳимова муштарийлар эътиборига тақдим этишган.

«Адабиётшунослик» рукнида ТошДУ толибаси Ирода Саидованинг Алишер Навоий ижодига ўзига хос ёндашиш ёртилган.

«Тилшунослик» рукнида эса доцент Муанбар Аъламова сифатдош ва ҳаракат номларининг нисбат шакллари ҳақида фикр юритган.

Нутқ одоби ҳақидаги «Тафаккур ва нутқ» (муаллиф — Эркин Жабборов) ва «Ўқитувчи нутқининг ўзига хос хусусиятлари» (муаллиф — Нурхон Дадажонова) каби мақолалар ҳам муштарийлар эътиборини тортади деб умид қиламиз.

Ушбу сонда Саид Аҳмад билан «Ўқитувчи уйи»да бўлиб ўтган учрашув асосида Маҳмуда Валиева тайёрлаган мақола «Ижодий учрашувлардан лавҳалар» деб аталган янги рукннинг дебочаси сифатида чоп этилган.

*Таъкид*

# МАЪРАКАЛАР ТАРТИБЛИ БЎЛАДИМИ?

Маҳалламизда Абдуғани исмли зиёли, маърифатли йигит яшайди. 27 ёшларга бориб қолган бу йигит ҳунар-техника билим юртида оддий уста бўлиб хизмат қилади. Маоши унча катта эмас. Унинг падари бузруквори оғир хасталикдан, ҳали тиббиёт даво тополмаган дарддан оламдан ўтди. Йигит кўпчиликнинг олдида фарзандлик бурчимни адо этай деб йигирма, йил маъракаларни амаллаб ўтказди. Мактабда фаррош бўлиб хизмат қиладиган онаси ҳам кўп ўтмай оламдан кўз юмди. Абдуғани она маъракасини ўтказиш учун ҳам елиб югурди. Ниҳоят биринчи маърака — йигирмасини амал-тақал ўтказди. Таклиф қоғозларини маҳалла фаоллари ёзишиб, йигирма ошини ўтказишга маслаҳат беришди. Биронта инсон «Ҳой йигитча, онангнинг маъракасини сипо, камхарж, оилавий тарзда ўтказсанг бўлади-ку» деб панд насиҳат қилмади.

Ваҳолонки, шу марҳум онанинг уч қизи бева қолди. Турмушга чиқмаган, сағир қолган норасидаларнинг ризқини ўйламай маъракани ўтказишга маслаҳат берганларига ич-ичимдан, вужудим билан қаттиқ ачинаман. Қандай бедодлик?!

Қачон биз маъракаларимизни тартибга солиб ўтказамиз? Ҳозирги оғир иқтисодий шароитда баъзи бойвачча акаларимиз ўз ота-оналари оламдан ўтганини катта, ҳатто тантанавор тарзда маросим уюштирмоқдалар. Атрофдаги баъзи оилаларнинг яшаш тарзига оз бўлса ҳам нигоҳ ташламаяптилар.

Ислом шариатида йигирма, қирқ, йил маросимлар қаттиқ қораланган. Ҳар жума намозларда мачитларимизнинг имом хатиблари, жумладан, пойтахтимиздаги Тўхтабойвачча мачитидан Обидхон қори ака, Кўкалдош мачитидан Қобил қори ака каби уламоларимиз бидъат ҳисобланган йигирма, қирқ, йил маъракалар ҳеч қанақа савобга кирмайдиган, фақатгина бидъат, исрофгарчилик эканини кўп марта такрорлаб, исботлаб берадилар. Лекин халқимизнинг кўпчилиги ушбу маъракаларнинг моҳиятини тубдан тушунмай, тийин-тийинлаб топган маблағларни ноўрин сарфлайдилар. Устоз муаллимлардан Аҳмадҳожи ота 94 йил умр кўрган эдилар. Умрларининг 60 йилини халқимизнинг илм-маърифати учун бахшида этганлар.

Хожи ота 93 ёшларида бетоб бўлиб, ўғил-қизларини олдиларига чақириб:

— Ҳаётнинг катта йўлини босиб ўтдим. Ўз ҳаётимдан хурсандман. Сиздек зиёли, маърифатли ўғил-қизларимдан ғоят ғурурланаман. Вақти келиб бандаликни бажо келтириб қолсам, ҳеч қандай йигирма, йил оши бериш маъракаларни ўтказманглар. Қабримда тинч ётай, бу бидъат маросимлар биронта исломий, ахлоқий китобларимизда қайд этилмаган.

Ҳақиқатан ҳам Ҳожи ота васиятларини тушунган фарзандлар ортиқча харажат, бидъат, маросимларни қилмадилар. Ота-она хотирасини фақат яқин қариндошлар, қуда андалар билан эслаб туришади. Шундай қилса бўлади-ку?

Халқимиз қачон маънавий бойликка мушарраф бўлишаркин?

1950—1980 йиллар ўрталаригача Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний назорати бошқармасига етакчилик қилган раҳматли Эшон Бобохон ибн Абдул Мажидхон уларнинг ўғиллари марҳум Зиёвуддинхон Бобохоновлар ҳам оламдан ўтганларидан сўнг бидъат маъракалар: йигирма, йил ошлари берилмаган. Балки у кишининг руҳи-арвоҳларига қуръон ўқиб тиловат этилган.

Халқимизнинг топган, тўплаган маблағлари яхши одатларимизга, иморатларимизга, энг аввало соғлиғимизга буюрсин! Исрофгарчиликка қарши маърифий ишлар олиб борсак буюк давлатимиз таянчи мустаҳкам бўларди.

Баъзи «бойвачча» акаларимизнинг ортиқча маблағи бўлса, бечораҳол инсонларга, бошига оғир мусибат тушганларга, тасодиф туфайли катта моддий зарар кўрганларга, уйи бутунлай ёниб кетган, ватансиз қолганларга, ногирон бўлиб яроқсиз ҳолга тушган инсонларга озми-кўпми ёрдам берсалар мусулмончиликка хос фазилат бўларди.

**Омониллахон САЙДАМИН қори ўғли, муаллим.**

*Янги қўлланма*

# ТАЛАБАЛАР УЧУН

Халқ таълимини ислоҳ қилишда замон талаби — янги педагогик таълим истаги билан истиқлол педагогикаси талаблари даражасида қўлланмалар яратиш долзарб муаммолардан бирига айланган эди. Шуни инобатга олиб таниқли педагог олимлар Ҳайдарали Узоқов, Эргаш Ғозиев ва Луиза Ориповалардан иборат муаллифлар гуруҳи ўзларининг «Оила ахлоқи ва одоби» мажмуасини ёзишган эди. Янги қўлланма 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриётида босмадан чиқди.

Китобда, асосан, ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни эъзозлаш, ёшларимиз тарбиясини ўтмиш маданиятимиз ва урф-одатларимиз,миллий ахлоқимиз ва одобимизнинг азалий намунали томонлари билан боғлиқ ҳолда олиб бориш каби тамойиллар акс этган. Муаллиф-тузувчилар ўзларининг бой педагогик фаолиятларига суянган ҳолда материаллар танлаганлар: халқимизнинг қадимги урф-одатлари, ибратли анъаналари, удумлари, тўй ва бошқа маросимларига суянган ҳолда ўша давр ёзма адабиётида, айниқса, фольклор материалларида сақланиб қолган манбалар асосида оила қуриш ва уни авайлаш муаммоларини ўқувчи-ёшларга ишонарли қилиб кўрсатганлар.

Тарбияда энг муҳим мавзулардан саналмиш «Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятлари» таркибида берилган «Ўзбекларнинг миллий қиёфаси», «Қадриятларимиз қиммати» каби изоҳотлар педагогик ва тарбиявий жиҳатдан ўта муҳим бўлишликдан ташқари, таҳлилий фикрларга жуда бой.

Мажмуа муаллифлари «Ўспиринларни турмуш қуришга тайёрлаш» мавзуси таркибида «Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилик», «Гўзаллик», «Турмуш қуришга тайёрмисиз, ўспирин?», «Даҳшат ила йўғрилган севги» каби муҳим масалаларни тадқиқ этиб, оила қуришнинг нозик, ўзига хос жиҳатларини очиб берганлар.

Бир сўз билан айтганда, мажмуа истиқлол педагогикаси талаблари асосида яратилган муҳим қўлланмадир. Бироқ қўлланмани мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари талабалари учун муҳим эканлиги инобатга олинса, унинг борйўғи 5 минг нусхада чоп этилиши, ёшлар эҳтиёжини қондирмайди, албатта.

**Ҳафиза ХОЛИҚОВА,**
**Қўқон давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди.**

*Спорт*

# ОММАВИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда жисмоний тарбиянинг аҳамияти беқиёс. Боғча ёшидан бошлаб болаларни спортга жалб этиш, фестиваллар уюштириш, кейинги вақтда одат тусига кириб қолди. Республикамизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида боғча тарбияланувчиларининг «Соғломжон — полвонжон» спорт фестиваллари, бошланғич синф ўқувчиларининг спорт фестиваллари, мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг республика III спартакиадаси ёш авлод ҳаётига спортнинг кенг кўламда кириб келаётганлигини кўрсатмоқда. Ўқувчилар спартакиадаси мусобақаларининг дастлабки босқичларида 3 миллиондан ортиқ ўғил-қиз қатнашганлигининг ўзи ҳам шундан далолат бериб турибди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган раёсат йиғилиши жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш масалаларига бағишланди.

Раёсат йиғилишида Марказий кенгаш раиси М. Ҳайдаровнинг «Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари III спартакиадаси якунлари тўғрисида»ги Республика Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудири Р. Саломовнинг «Бошланғич синф ўқувчилари республика спорт фестивали якунлари ҳақида»ги маърузалари тингланди.

Спартакиада якунларига кўра Тошкент шаҳри командаси 20 та спорт тури бўйича муваффақиятли қатнашиб, чемпион бўлди. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари спортчилари II ва III ўринларни эгалладилар, шунингдек, Бухоро, Фарғона, Андижон вилоятлари спортчилари мусобақаларда анча муваффақиятли иштирок этди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида Фарғона вилоят кўнгилли спорт жамияти кенгаши раиси муовини М. Собировнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш «комплекс дастури»нинг бажарилиши юзасидан ахбороти эшитилди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, кўнгилли спорт жамияти Тошкент шаҳар кенгаши томонидан болаларга пулли хизмат кўрсатиш, молия ва хўжалик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан музокараларда сўзга чиқишиб, ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапиришди, таклифлар билдиришди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Х. Ф. Маъсудов ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, халқ таълими вазири муовини Ҳ. Қ. Йўлдошев иштирок этди.

**Мухбиримиз.**


## А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда,
— Ижтимоий психология — 4 ўрин
— Ёш ва педагогик психология — 2 ўрин
— Махсус психология — 1 ўрин.
2. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда:
— Ижтимоий психология — 1 ўрин
— Ёш ва педагогик психология — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти аспирантура бўлимига (телефон: 46-66-98), илмий-услубий ишлар бўйича проректорга (телефон: 46-06-68) мурожаат этиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри — 95, Саидов кўчаси, 6-уй.


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қўқон давлат педагогика институти ректори Иномжон Сулаймоновга онаси

Фотимахон ҚОСИМОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0305. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6